

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 5-oktabr, shanba № 77 (15715)

Navqiron avlod so'zi

Устозларга ҳавас қилиб

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Президентимизнинг биз, ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган байрам табригини эшитиб, шу шарафли касб эгалари қаторида эканимдан, қолаверса, шундай азиз, инсон қадр қиммати баланд юртда туғилиб-ўсганим, яшаётганим, меҳнат қилаётганимдан, ёш авлод келажакига дахлдорлигимдан фахрланиб кетдим.

Президентимиз табригидаги: «Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажакига, ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўрамиз ва юксак баҳолаймиз», деган сўзлар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Кўпчилик ҳаётда кимгадир ҳавас қилиб касб танлайди. Мен ҳам мактабдаги она тили ва адабиёт ўқитувчиси Робия Ҳамидовага меҳр кўйиб ўқитувчи бўлганман. Устозимиз дарсни қизиқарли ўтарди. Унинг дарсини интиқлик билан кутардим. Қайси куни дарс жадвалида адабиёт дарси бўлса, шу куни мактабга кушдек учиб борардим. Чунки Робия опанинг болаларни фанга қизиқтириш қобилияти кучли эди. Биз, ўқувчиларни бадиий асарларни мутлақ қилишга қизиқтирарди. У кишига ҳавас қилиб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олдим. Уни биттириб, қишлоғимиздаги мактабда 5-синф ўқувчиларига она тилидан илк бор дарсга кирганимда, бир оз ҳаяжонландим. Ўқитувчи сифатида илк мартаба синфга кирганим, биринчи дарс, болаларнинг беғубор нигоҳлари билан илк тўқнашув ёдимга тушса, ҳозир ҳам кўнглим орзиқиб кетади.

Ўқитувчилик — севимли, аммо масъулиятли касб. Негаки, минг-минглаб ўқувчилар устозлар таълим-тарбияси асосида мустақил ҳаётга учирма бўлади. Уларнинг эртага қандай инсон бўлиб етишишига ота-оналари сингари биз, ўқитувчилар ҳам бирдек масъулмиз.

Адабиёт ўқитувчиси бўлганлигим боис, ўқувчиларимни бадиий китоб билан ошно тутинишга ундайман. Чунки китоб ҳам санъат асари, у ўқувчига эстетик завқ беради. Ўқувчиларим билан жамоат ишларида, тадбирларда фаол қатнашамиз. Уларнинг ҳар бир иштирокидан завқ оламан.

Келажакдан умидим катта. Фарзандларим, улар қатори ўқувчи-шоғирдларимнинг ҳам камолини кўрсам, уларнинг ютуқларидан қувонсам, дейман. Уларнинг Ватанимиз раванқига муносиб ҳисса қўшадиган етук инсонлар бўлиб камолга етишига ҳиссамни қўша олсам, ўзимни янада бахтиёр ҳисоблар эдим.

Феруза АБДУЛЛАЕВА,
Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги
26-мактаб ўқитувчиси



4-бетга қаранг

Ахборот олиш кафолатланган

Президентимизнинг шу йил 20 мартдаги фармойишига кўра, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилмоқда.

Эксперимент субъектларидан бири ҳисобланган Самарқанд шаҳар ҳокимлиги фаолиятида ҳам қонун лойиҳаси нормалари ўз ифодасини топмоқда.

Қонун лойиҳасининг 7-моддаси талаблари асосида шаҳар ҳокимининг 2013 йил 8 апрелдаги фармойиши билан ҳокимликнинг ахборот хизмати ташкил этилди ва алоҳида хона ажратилиб, зарур техник воси-

талар билан таъминланди.

— Ахборот хизмати зиммасига шаҳар ҳокимлиги фаолияти, ҳудудда амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан аҳолини хабардор этиб бориш, ҳокимлик раҳбар ва масъул ходимларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари-ни уюштириш, матбуот анжуманлари, брифинглар

ташкил этиш, ҳокимлик веб-сайти фаолиятини мувофиқлаштириб бориш каби вазифалар юклатилган, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Алимардон Раҳматуллаев. — Шаҳар ҳокими томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳокимлик нашри — «Самарқанд» газетаси ҳамда веб-сайтада эълон қилиб борилмоқда. Ўтган даврда шаҳар

ҳокими иштирокида матбуот анжумани ва брифинг ўтказилди. Бу тадбирларда шаҳарда ижтимоий-иқтисодий соҳада олиб борилаётган ишлар, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижроси, «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ҳақида журналистларга маълумот берилди. Ушбу матбуот анжумани ва брифинг материаллари йигирмага яқин оммавий ахборот воситалари ва веб-сайтларда эълон қилинди. Шаҳар ҳокими ўринбосарлари, бўлим бошлиқларининг республика, вилоят оммавий ахборот воситалари, шаҳар газетасида чиқишлари уюштирилди.

(Давоми 2-бетда)

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шаҳридаги Республика 2-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Соғлом оила — соғлом келажак» шиори остида спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақада туман ва шаҳарлараро босқичларда голиб бўлган оилавий жамоалар ўзаро беллашди. Якуний натижаларга кўра, Нукус шаҳридан Аvezимбетовлар оиласи 1-ўринни, Хўжайли туманидан Низомиддиновлар оиласи 2-ўринни, Қораўзак туманидан Бекжоновлар оиласи 3-ўринни эгаллади.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Харакатнинг Андижон вилояти кенгашида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олишга бағишланган семинар ўтказилди.

Унда «Ёшлар орасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва турли юқумли касалликларнинг олдини олиш» лойиҳаси тренерлари маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар, касб-хунар коллежлари ўқувчиларига интерфаол усуллар ҳамда турли тест саволлари орқали семинарлар ташкил этишди. Тадбир якунида иштирокчиларга «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» мавзудидаги буклетлар тарқатилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида «Миллий қадриятлар — бекиёс бойлигимиз» фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоятнинг ҳар бир ҳудуди ўз қадриятларини акс эттирувчи чиқишлари, турли халқ ўйинларини намойиш этди. Фестиваль якунида Навбахор тумани жамоаси «Энг қизиқарли халқ ўйини» номинацияси, Томди тумани жамоаси «Энг яхши ўғил болалар жамоаси» номинацияси, Нурота туманининг Иди бобо Очилов жамоаси «Халқ ўйинларини тиклашдаги фаолияти» номинацияси, Зарафшон шаҳар жамоаси «Алпомиш» номинацияси, Конимех тумани жамоаси «Тўмарис» номинацияси, Қизилтепа тумани жамоаси «Энг яхши ўйин кўрсатган жамоа» номинацияси голиби бўлди. Фестивалнинг гран-при соврини Кармана тумани жамоасига насиб этди.

Қадримиз — баланд, таянчимиз — мустаҳкам

Munosabat

Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимгадир орзуларининг ушалиши, кимгадир саломатлиги, яна кимгадир бойлик бахт ҳисобланади. Мен учун эса юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, тўрт фасл ўз маромида бўладиган Ватаннинг бир оддий ва эркин фуқароси эканлигимнинг ўзи бахт. Уйдаги фарзандларим ва набираларимнинг, коллеждаги ўқувчиларимнинг юзларидаги беғуборлик, ишонч ва гурурни кўришнинг ўзи бахт!

Хаётимнинг салкам ўттиз йили ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ. Кечаю кундуз, бутун хаёлим ишхонам — коллежимиз ва ундаги ўқувчилар билан банд.

Ҳозир таълим муассасасида 1126 нафар ўғил-қиз саккизта йўналиш бўйича ўқиб, касб-хунар сирларини ўрганмоқда, 62 нафар ўқитувчи, 18 нафар техник ходим уларнинг таълим-тарбияси билан банд.

Яқинда Юртбошимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган маърузасида бугуннинг бир қатор долзарб масалалари қаторида касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида ҳам олдимизда турган муҳим вазифаларни қайд этиб ўтдилар. «Агарки биз инсон тақдири, унинг ҳаётини манфаатлари-

ни асосий ўринга қўймасак, ёшларимизни иш билан таъминламасак, фарзандларимиз, келажакимиз олдида хиёнат қилган бўламиз», дейилди маърузада.

Биз бу даъваткор сўзларни ҳамиша иш фаолиятимизга татбиқ этиб, давлатимиз раҳбарининг ёшларга кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлигидан фахрланиб, гурурга тўлиб меҳнат қиламиз. Агар бизнинг касб-хунар коллежимизда ана шу масалага қандай ёндашаётганимизни айтадиган бўлсам, битирувчиларимизни муқим иш ўринларига жойлаштириш масаласига ҳар доимгидан ҳам бу йил жиддий муносабатда бўлиниб, бу борада бар-

ча имкониятлар ишга солинди. Битирувчиларимизнинг саксон фоизи доимий иш билан таъминланди. Саккиз нафар ўғил-қизимиз турли олий ўқув юртларида ўқишга кирди.

Айни пайтда жамоа аъзоларимиз бор куч-гайратини таълим сифати ва самардорлигини оширишга қаратмоқда. Давоматни доимий равишда юқори кўрсаткичда ушлаб туриш, ҳар соҳада фаолликни ошириш, ўз касбининг моҳир мутахассисларини тайёрлаш — энг олий мақсадимиздир.

Тугмаҳон СИДДИҚОВА,
Наманган туманидаги
Тепакўргон педагогика
коллежи директори

Qadriyat

Либос — ҳам кўрк, ҳам одоб белгиси

Ёшлиқ — гўзаллик, жўшқинлик фасли. Талабалик эса айнан шу жўшқинлик фаслига тўғри келади. Талабалар бу олтин даврни нечоғли жўшқин ўтказма-син, миллий қадриятларимизга амал қилишга ҳам бурчлидирлар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида жорий йилда пойтахтимизда жойлашган 33 та олий таълим муассасасида «Талабақизнинг энг намунали либоси» кўриктанлови ташкил этилган эди. Ушбу кўрик-танловнинг якуний босқичи ва голибларни тақдирлаш маросими ҳам маданий ва маърифий тадбир сифатида ўтказилди.

Танловда иштирокчилар таълим муассасасида намуна сифатида кийиш мумкин бўлган либосларни тақдим этишди. Тавсия этилган кийимлар орасидан энг намуналиси хайъат аъзоларининг эътиборини тортиди. Биринчи ўринга Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси Гулруҳ Азимо-



ва, иккинчи ўринга Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиали талабаси Юлия Карпенко, учинчи ўринга Ўзбекистон Миллий университети талабаси Малика Рўзиева лойиқ деб топилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофо-

ти совриндорларининг завқли мушоираси, ёшларнинг севимли санъаткорлари ижросидаги кўшиқлар тадбирнинг янада файзли ўтишини таъминлади.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Ахборот олиш кафолатланган

(Давоми, боши 1-бетда)

Шаҳар ҳокимлигининг веб-сайти қонун лойиҳаси талаблари бўйича янада тақомиллаштирилди. Яъни, www.samshahar.uz сайтида шаҳар ҳокимлиги ва унинг тузилмаси, вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, реквизитлари, раҳбарияти тўғрисидаги ахборотлар, иш тартиби, жумладан, фуқароларни қабул қилиш тартиби, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва хизмат кўрсатиш тартиби,

расмий тадбирлар (мажлис, учрашув, брифинг, коллегия ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш имконияти яратилди.

Сайтда ташкил этилган мурожаатлар бўлими орқали юридик ва жисмоний шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган масалалар, ҳокимлик фаолияти юзасидан маълумот олмақда. Айни пайтга қадар веб-сайтга ўттиздан зиёд мурожаат бўлди. Келиб тушган саволлар ҳокимликнинг тегишли бўлимлари ва масъулларига йўналтирилиб,

қонун лойиҳасида белгиланган муддатларда жавоб берилмоқда.

Масалан, Самарқанд шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Валиев уй телефони бир неча ойдан буён ишламаётгани ҳақида шу йилнинг 29 апрель куни электрон шаклда мурожаат қилган. Бундай вазиятда қонун лойиҳасининг 15-моддасига биноан, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови, агар бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган бўлса, рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирилмаган муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Ушбу сўров ҳокимликнинг тегишли бўлимига йўналтирилди ва уч кун ичида муаммо бартараф этилди. 1 май куни фуқаро сайт орқали ҳабар юбориб, телефони ишлаганини маълум қилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳар бир мурожаатга ўз вақтида жавоб берилмоқда.

Шаҳардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида экспериментни самарали амалга ошириш учун барча шарт-шароит ва имкониятлардан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса қонун лойиҳасининг амалдаги синаб кўриши ва уни янада тақомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

Shunday markaz bor!

Ҳам сифатли, ҳам самарали

Илму ҳунар ўрганишнинг эрта-кечи йўқ, деганларидек, Комиланинг онаси Нафиса опа ҳам «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказига қатнай бошлади. Дастлаб опа тикувчиликни ўрганди, айти пайтда эса тўқувчиликни ўрганмоқда. Қибрай туманидаги «Яланғоч ота» маҳалласидан қатнаётган Камола Қамбарова эса бу ерда бисер санъатини ўрганиб, маҳалласида тенгдошлари учун бисер тўғарагини ташкил этди.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек тумани кенгаши қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказида бўлганимизда бу каби ҳунарли ёшларни кўплаб учратдик. Мирзо Улуғбек туманидаги «Феруза» мавзесида жойлашган 221-мактабда фаолият кўрсатаётган ушбу марказ ўқувчи-ёшлар билан гавжум.

2008 йилда фаолиятини бошлаган мазкур ЁИХМда ёшлар психология, компьютер саводхонлиги, пазандалик, тикувчилик, инглиз тили тўғарақларида билим ва ҳунар ўрганиб келяпти. Жорий йилнинг шу кунига қадар беш юз нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар ушбу тўғарақларда ўқишган. Уларнинг юздан ортиғи кам таъминланган оилалар фарзандлари, ўн беш нафари ИИБ профилактик рўйхатида турувчи ёшлардир.

— Марказимизга ёзда, айниқса, кўпроқ ўқувчилар келади, — дейди «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази раҳбари Шаҳноза Бердиқулова. — Психология тўғарагимизга турли ёшдагилар мурожаат қилади. Мутахассисларимиз уларга баҳоли қудрат психологик ёрдам беради.

Кейинги пайтларда қўлда тўқилган буюмларга талаб ортиб борапти. Шунданми, марказда тўқувчилик тўғараги

аъзолари нисбатан кўпроқ. Бўлажак тўқувчилар гулли чоклар, пайпоқ, болалар нимчаси ва бош кийимлари, шарф ва қўлқоп тўқишни ўрганишяпти. 221-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Комила Хусайнова марказ ҳақида дугоналаридан эшитиб бу ерга келганини, ҳозир устози Фарида Юсуповадан рўмол тўқишни ўрганаётганини айтади. Ипларни чаққонлик билан бир-бирига боғлаётган бу жажжи кизалоқ рўмол тўқияпти.

— Рўмолни битказганимдан сўнг бувимга бераман, — дейди Комила. — Ушбу марказда ҳунар ўрганиш учун ўқишимни 223-мактабдан шу мактабга ўтказдим. Бу ерда устозларим — Фарида Юсупова ва Нигора Нортोजиевадан бисер, тикувчилик сирларини ўргандим. Энди тўқувчиликни ўрганиш пайида. Ҳозирча дадамга нимча, ўзимга шарф, шапка тўқидим. Ушбу марказда киз бола учун керакли бўлган барча ҳунарни ўрганиш мумкин.

Ўқувчи-ёшлар марказдаги бисер тўғарагида бисер чоклар, пистонлар билан ишлаш, арча шаклида чоклар тикиш, бисер ёрдамида дўппи, бўйин мунчоги ясаш, сумкага безак бериш, экибана дарахтларини ясашни ўрганишади. Жажжи ўғил-қизларнинг нозик дид ва моҳир қўллари ёрдамида турли ранглар жи-

лосида ясалаётган бетакрор буюмларни кўриб, тўғриси, уларга ҳавасимиз келди.

Бугун кўплаб ёшлар ўқишдан бўш вақтларида мана шундай марказларда қўшимча билим ва ҳунар эгаллашмоқда. Дилором Каримова ҳам 223-мактабнинг 2-синфида ўқиётган ўғли Нормуҳаммадни ўтган йили ЁИХМдаги инглиз тили тўғарагига олиб келганди.

— Ўғлим бу ерда инглиз тилини анча-мунча ўрганиб, мактабда турли мактов ёрликлар олди, — дейди Дилором Каримова. — Энди бу тилни янаям пухта ўрганиши учун марказнинг инглиз тили тўғарагига бу йил ҳам аъзо қилмоқчиман. Ушбу марказ биз, ота-оналар учун ҳам, фарзандларимиз учун ҳам қулай ва фойдали бўлаяпти.

Бугунги ёшларнинг кўпчилиги инглиз тилини билади. Билмаганлари ҳам ўрганишга интиляпти. Марказдаги инглиз тили тўғараги ҳам шундай интилувчан ўқувчилар билан гавжум. Уларга Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетини тугатиб, бир неча йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали педагог Мунира Валиева дарс бермоқда.

— Тўрт йилдан буён ушбу марказда инглиз тили тўға-

рагида ўқитувчилик қиламан, — дейди Мунира Валиева. — Ҳозир уч ойлик ўқув курсимизда элликка яқин ўқувчи бор. Уларнинг билим савиясига қараб, бошланғич, ўрта ва яхши гуруҳларга бўлиб дарс ўтаемиз. Дарс жараёнида интерфаол ўйинлардан фойдаланамиз. Тўғарагимизга нафақат Мирзо Улуғбек туманидаги ёшлар, балки Тошкент вилоятининг Қибрай туманидан ҳам келишади. Яқиндан бошлаб туманимиздаги «Турон» санаторияси ҳамширалари ҳам келиб ўқишмоқда.

— Ўқувчилигимдан турли ўқув курсларига қатнаб, инглиз тилини ўрганиб келаяман, — дейди «Турон» санаторияси ҳамшираси Дилноза Йўлдошева. — Марказга уч ой қатнаб, ўзим ва иш фаолиятим ҳақида инглиз тилида гапириб берадиган бўлдим.

Марказнинг компьютер ва инглиз тили тўғараги мурабийлари ҳар ҳафта тумандаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини идорасида пойтахтимиздаги SOS — болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари учун ҳам дарс ўтиб келмоқда.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири.
Сардор Муллажонов олган суратлар

Hududlardan mujdalar

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Булунғур туманидаги Хотира майдонида ўқувчиларнинг «Камалак» болалар ташкилотига аъзолик тадбири бўлиб ўтди.

Туманда шу кунга қадар ўн тўққиз минг нафардан ортиқ «Камалак» аъзолари бўлган бўлса, ушбу тадбир орқали яна бир юз ўн тўрт нафар «Камалак»чи улар сафига қўшилди. 2013-2014 ўқув йили давомида икки минг нафар ўқувчи «Камалак» болалар ташкилотига аъзо бўлиши режалаштирилган.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида «Миллий қадриятларимиз — бекиёс бойлигимиз!» шиори остида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали бўлиб ўтди.

Сўлим боғдаги хиёбон ва махсус майдончаларда мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқувчи-талабаларидан иборат жамоалар арқон тортиш, тош кўтариш, кураш, шунингдек, миллий ўйинлар бўйича ўзаро беллашди.

* * *

Олмазор туманида «Камалак» аъзосиман» лойиҳаси доирасида «Камалак» аъзолари — Ватан билимдонлари» шоири остида кўрик-танлов ўтказилди.

Танловда болалар ташкилотига яқинда қабул қилинган ўқувчилардан ташкил топган жамоалар «Камолот» ва «Камалак» ҳақидаги билимларини синовдан ўтказишди. Натижада тумандаги 326-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг «Камалак» шумтакалари» жамоаси голибликни қўлга киритди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Куйи Чирчиқ туманидаги 5-мактабда ўқитувчи ва мурабийлар ҳамда ёшлар иштирокида «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди.

Тадбирда эл ардоғидаги санъаткорлар иштирок этди. Сухбатлар марҳум устоз ва мураббийларни ёд этишга бағишланган «Устоз, номингиз дилларда мангу» номли тадбирга улашиб кетди.

Тадбир сўнигида мамлакат ва халқаро миқёсда ташкил этилган танловлар, олимпиадаларда фахрли ўринларни эгаллаган ёш ўқитувчилар ҳамда кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилиб, ҳозир нафақада бўлган мураббийларга эҳтиром кўрсатилди.

Istiqlol farzandlari

Йилнинг энг яхши сайти

Даврон Тожиалиев яқинда яқунланган «InfoCOM — 2013» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилган UZ миллий домени интернет фестивалининг «Фан ва таълим соҳасидаги энг яхши сайт» йўналиши бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди. Тенгдошимиз ушбу фестивалда «Зиё истаган қалблар учун» шиори остида фаолият юритаётган www.ziyouz.com портали билан иштирок этди.

Марғилон шаҳрида туғилиб ўсган Давронбек Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини, Ўзбекистон Миллий университетининг магистратура бўлимини тамомлаган. У ўзининг журналистик маҳоратини Польша, Германия, Қозоғистонда ҳам оширган.

Тенгдошимиз ҳамisha изланишда. У жорий йилда халқимизнинг кўп асрлик маънавий қадриятлари ва маданиятини кенг тарғиб қилиш, миллий манфаатларимизни химоялаш, ёшларни турли ахборот хуружлари, жумладан, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан асрашга қаратилган журналистик фаолияти учун интернет-журналистика йўналиши бўйича «Олтин қалам» Миллий мукофотига муносиб топилди. Бу Давронбекни янги-янги марралар ва эзгу мақсадлар сари чорлаяпти.

— Ахборот технологияларидан хабардор бўлиш — замон талаби, — дейди Давронбек Тожиалиев. — Айти пайтда 15 мингдан ортиқ илмий-оммабоп, маърифий мақолалар, 4130 та электрон китоб, ўзбек адабиётидан 1920 та, жаҳон адабиётидан 673 та насрий асар, етти юздан ортиқ ижодкорнинг фаолиятига оид маълумотлар, ўзбек мумтоз ва замонавий шеърятидан намуналар,

шунингдек, минглаб ўзбек ва жаҳон халқлари мақоллари, афоризм, топишмоқлари, ҳикоят ва эртақларини ўзида жамлаган www.ziyouz.com порталини такомиллаштириш ва бойитиш устида иш олиб бораётган.

Давронбек забт этаётган бугунги марралар ҳар биримизга илмий-ижодий, маънавий тафаккурнинг кучини кўрсатмоқда. Бироқ ҳар қандай тафаккур ёниб тургандагина кучли, ҳар қандай юксак марралар ҳам давомли бўлгандагина ибратлидир. Ўз ҳаёти ва фаолияти негизда ана шу қатъий фикрга суяниб изланаётган, энг асосийси, мустақиллик фарзанди эканлигидан куч олиб яшаётган тенгдошимиз бундан кейин ҳам истиқлолга муносиб одимлашда давом этишига ишончимиз комил.

Дилнавоз Қўлдошева,
Фаргона вилояти

Ишонч ва масъулият рамзи

Бу йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари учун махсус кўкрак нишонлари тайёрланди. Мазкур кўкрак нишонлари «Камолот» ва «Камалак» аъзоларининг масъулиятини янада ошириш, улғайиб келаётган ёш авлоднинг Ҳаракатга интилишини қўллаб-қувватлаш, унинг атрофида ёшларни кўпроқ жипс-лаштириш мақсадида берилади.

«Камалак» болалар ташкилоти аъзоларининг кўкрак нишонлари сариқ рангдаги латун (мис ва рух қотишмаси)дан қизил, сариқ ва кўк ранглардан иборат камалак шаклида тайёрланган.



Камалак шакли юқоридан паства оғиб турган ҳолда тасвирланиб, баландлиги ўн миллиметр, эни ўн беш миллиметр, қалинлиги эса бир миллиметр. Камалак тасвиридаги юқоридан биринчи йўл — ҳаворанг, ўртадаги йўл сариқ, паствадаги йўл қизил рангдан иборат. Камалак тасвири ранглари тегишли тартибда «Камалак» болалар ташкилоти рамзидаги рангларга мос келади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзоларининг мазкур кўкрак нишонлари сариқ рангдаги латун (мис ва рух қотишмаси)дан доира шаклида тайёрланган бўлиб, диаметри 15 миллиметр, қалинлиги эса 1,2 миллиметр.



Нишон марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати рамзи бўлган ниҳол шаклидаги «К» ҳарфи бўртма бош ҳарф қилиб жойлаштирилган. Ниҳол шаклидаги «К» ҳарфи «Камолот» логотип сўзининг бош ҳарфи («К» ҳарфи)га мослаштирилган бўлиб, унинг баландлиги 11 миллиметр. Ниҳолнинг паства қисмидаги учбурчак шакл «К» ҳарфининг паства қаратилган қўлчасини ифодалайди. Ниҳол шакли ёшларни рамзий маънода ўсиб келаётган ёш ниҳолга қиёслаб қабул қилинган.

«К» ҳарфидаги барглари — яшил, барглари ичидаги чизиқлар — қизил, поялар — қизил, учбурчак шакли — кўк рангда бўлиши белгиланган.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилоти аъзоларининг кўкрак нишонлари кўкракнинг чап томонига давлат мукофотлари ва ўнвонларидан кейин тақилади. Бу кўкрак нишонни эгаси Ҳаракат аъзоси (ёки унинг фаолиятига тааллуқли) эканини ифодалайди. Кўкрак нишонларини тақиб юриш ихтиёрий, лекин Ҳаракат томонидан ташкил этиладиган тадбирлар, муҳим саналар ва мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган сиёсий жараёнларда келажак авлодга ўрнак бўлиш мақсадида тақиб юрилиши тавсия этилади.

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилиш тадбирларида энг фаол ва иқтидорли ўқувчи-ёшларга мазкур кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилмоқда.

Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

СУРАТДА: Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотига тантанали аъзоликка қабул қилиш тадбиридан лавҳа.

Harakatning hududiy bo'limlarida

24 соат ёки 1440 дақиқа

У тезкор янгиликлар етказди, зериктирмайди. Кўшиқни бошлайди, кайфиятни кўтариб, рақсга чорлайди. Дилдан суҳбатлашади. Баъзан кутилмаган саволлар билан мулоҳазага ундайди.

Қорақалпоғистонга борсам, кўча-кўйда, уйда, ҳатто автобусда ҳам уни учратаман. Шунча рўбарў бўламан-у, ундан ҳечам безмайман. Гапини диққат билан эшитаман. Бу — «Нукус FM» радиоси. Келинг, сиз ҳам у билан дўстлашинг, яқиндан танишинг!

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Нукус FM» радиоси бу йил тўрт ёшга тўлди. Тўғри, у ҳали ёш. Шунга қарамай, ўта меҳнаткаш. Қунига 24 соат — 1440 дақиқа ишлайди. Чарчаш нималигини билмайди. Шундан завқланадими, оммабоп, қизиқарли, хуш кайфият улашувчи дастурлар тақдим этади. Тингловчилар билан «Кутилмаган кўнғирок», «Ҳа, йўқ, билмадим», «FM салом», «Янги кун» эшиттиришлари орқали жонли боғланади, мириқиб суҳбатлашади. Тагин тингловчиларини «Имкон-плюс», «Радиотест» викторинасида синайди. Турли саволлар беради. Топган эса топагонга айланиб, совғани олади. «Тунги сайр», «Сизда гапим бор», «Муҳаббат бека-ти»да кўнгли китоби ўқилади. Ўхшаши йўқ овоз соҳиблари, истеъдодлилар «Радиоконцерт», «Уфқ» ҳамда «Юлдузлар олами»да кашф этилади.

— «Нукус FM» радиоси яхши ҳамроҳ, — дейди Қорақалпоқ давлат университети талабаси Гулшод Эс-

босинова. — Негаки, унда ёшларбоп, фойдали ва қизиқарли дастурлар кўп. Менга кўпроқ Улбоған Эримбетова ва Мийригул Эсимбетованинг дастурлари манзур бўлади.

Ҳа, «Нукус FM»ни мақтагучи дўстларимиз кўп. Бири ундаги «Энг, энг, энг» ва «Хит-парад» танловини хуш кўради. Бошқаси эса, «Водий садоси» ва «Грант» радиосида малака оширган мусиқа муҳаррири Бекзод Алланиязов узатаётган кўшиқларни, Даврон Ҳалимовнинг «Давр»даги янгиликларини мақтайди.

— Радиомиз мусиқий-ахборот йўналишида фаолият кўрсатади, — дейди «Нукус FM» радиоканали директори Азамат Давлетмуродов. — Дастурларимизнинг етмиш фоизи куй-кўшиқлардан, ўттиз фоизи янгиликлардан иборат. Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши билан ҳамкорликда турли форум, акция ва лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Яқинда Нукусда «FM» таксилари қатнови бошланди. Одамлар уни кўчада, уйда, автобусда тингларди, энди таксида ҳам эшитадиган бўлишди. Бу ҳақда шу ой бошида бўлиб ўтган радио пресс-конференциясида маълум қилинди. Янги лойиҳалар ҳам эълон қилинди.

— Яқин кунларда «Нукус FM» тўлқини Беруний, Амударё, Эллиқалъага-ча етиб боради, — дейди радиобошловчи Даврон Ҳалимов. — Овозимиз узокларда янграйди...

Ҳа, Давроннинг гапига кўшилмай илож йўқ. Нима ҳам дердик, радиодан янгилиги шўх кўшиқлар янграйверсин, уни тинглаганинг дили яйрайверсин!

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Imkoniyat

Бир кишининг пухта ишланган, истиқболли бизнес режаси, амалга оширишга яхши имконияти бор, бироқ буни рўёбга чиқариш учун етарли маблағ керак. Шунда у қаерга мурожаат қилади?

Ёш тадбиркорнинг ишончли ҳамкори

Чиндан ҳам ишбилармон киши бўлса, кредит олиш учун, албатта, банкка боради. У олган кредит туфайли ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, ҳам кўплаб ёшлар иш билан таъминланади. Демак, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида банклар ўзига хос ўринга эга. Юртимизда мижозларга намунали фаолият кўрсатиб, тадбиркорларга қанот бўлаётган, улар ишончини қозонаётган банклар кўп. Фикримизни Ўзбекистон Миллий банкининг Сурхондарё вилояти Шеробод тумани филиали фаолияти мисолида давом эттираемиз.

Айни пайтда мазкур банк филиали Шеробод туманидаги 1481 нафар жисмоний, 807 нафар юридик шахсга намунали тарзда молия-кредит хизматларини кўрсатиб келмоқда. «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шiori остида фаолият кўрсатаётган ушбу муассасада 29 нафар ходим меҳнат қилади.

«Миллий банк»нинг Шеробод тумани филиали аҳолининг тадбир-

корлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда салмоқли ишларни амалга оширяпти. Чунончи, мазкур банк филиали маблағлари ҳисобидан шу йилнинг 1 сентябригача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 5877,5 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, тадбиркор аёлларга 445,3 миллион сўм, ёш оилаларга 262,8 миллион сўм, аҳолига истеъмол кредитлари учун эллик миллион сўм миқдорида кредит берилди. Ёш тадбиркорлар сафини кенгайтириш, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб этиш борасида ҳам банк филиалининг фаолияти ўрнак бўлгулик. Бу йўналишда тумандаги касб-хунар коллежлари битирувчиларига 105 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

— Қувондиқ Тошпўлатов раҳбарлигидаги «Маржон» хусусий корхонаси филиалимиз томонидан ажратилган эллик

минг АҚШ доллари миқдоридидаги кредит ҳисобидан МДФ эшиклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехни ташкил этди. Бунинг самарасида ўн бешта ишчи ўрни яратилди. Ўн нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Бундай мисоллар фаолиятимизда кўп. Муҳими, тадбиркорлар билан вақтинча эмас, доимий ҳамкорлик олиб бориш бизнинг асосий вазифамиздир, — дейди «Миллий банк»нинг Шеробод тумани филиали раҳбари Кенжаназар Омонов.

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятига қаратаётган юксак эътибор банкларни янада фаол ишлашга, мижозлар ишончини оқлашга ундаяпти. «Миллий банк»нинг Шеробод тумани филиали ходимлари ҳам мазкур тамойил асосида фаолият юритиб, тадбиркорларнинг яқин кўмакчиси, ишончли ҳамкори бўлишга ҳаркат қилмоқда.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Мулкдан фойдаланиш маданияти

Дам олиш кунларининг бирида эшик қўнғироғи асабий жиринглади. «Свет»дан келишган экан. «Фалон минг сўм қарзларинг бор», деган «хушxabар»ни етказишди. Уч кун олдин электр энергияси ҳақини тўлаб келган бўлсак, қандай қарз бўлиши мумкин? Квитанцияни кўрсатдик. Ҳарқалай, токни узиб кетишмади.

Орадан бир оз ўтиб, қўнғироқ яна жиринглади. Бу сафар қаттиқроқ ва узунроқ. Чиксак, энди иссиқ сувдан экан.

— Фалон минг сўм қарзларинг бор, фалон ойдан бери тўланмаган, мана!

Қарасак, чиндан ҳам шундай ёзилган. Яна ҳайронмиз. Уч кун аввал иссиқ сув ҳақиниям тўлаган бўлсак...

— Қанақа қарз бўлиши мумкин? Коммунал ҳақларни ҳар ой тўлаб борамиз...

— Йўқ, ака, қарзларингиз бор. Ҳозир тўламангиз, кейин судда тўлайсиз барибир.

Ўзбекчилик эмасми, бундай сўзларни эшитганда одам сергак тортади. Лекин рост, ойма-ой тўловларни тўлаб борсак, нега булар қарзни бўйинга илаяпти?..

Хуллас, у бўлди, бу бўлди, қўлда квитанция билан ёзиниқ иссиғида бир ҳафтамиз иссиқ сувдан «қарздор эмас»лигимизни исботлашга кетди.

Савол туғилади: нега шундай бўлди? Бунинг номи нима? Бизнинг ўз ҳуқуқимизни яхши билмаслигимизми ёки уни ҳимоя қилишдаги ожизлигимиз? Коммунал тўловларни ундирувчи идораларда ишловчи айрим ходимларнинг, ўзларининг тили билан айтганда, шунчаки «англашилмовчилик туфайли «адашиш»ларими?

Йўқ, муаммонинг асл сабаби, бизнингча, булар эмас. Ўйлашимизча, мулкдан фойдаланиш маданияти билан боғлиқ оғриқли жойларимиз бор. Келинг, шу ҳақда фикрлашамиз.

ОРҚАГА ЮРАДИГАН ҲИСОБЛАГИЧ

Дунёда биздек инновацион ғояларга бой одамлар кам бўлса керак. Эсингизда бўлса, бир пайтлар қишлоқ жойларда электр ҳисоблагич асбобни орқага айлантириб қўйишарди. Қасам ичиб айтиш мумкин, ўша асбобни ихтиро қилган олим ёки уни ишлаб чиқарган муҳандис-технологлар ҳам буни кўрса, ҳушидан кетиб қолиши ҳеч гап эмасди. Аммо бу янгиликка ўч одамлар учун оддий гап эди. Қойил қоласиз, «учётчик»ни тўхтатиб қўйиш ёки орқага юргизиш учун унга чўп тикишарми-ей, сим ўтказиб қўйишарми-ей,

ишқилиб, нима қилса, қилишарди. Маҳаллага «свет»дан одам келиб қолса, кўринг эди томошани. Ҳамма уйга югургилаб қоларди. Ишлатган электр энергияси ҳақини тўлаб қўйиш учун эмас, албатта. Тезда бориб, электр ҳисоблагичдан чўпни сугуриб қўйиш учун! Улгурмаганлари келган монтернинг (электрдан келган одамни шундай аташарди) оёғига йиқилгудек бўлиб ялинарди. «Монтер» ҳам яхши одам бўларди. Ширин муомала, қолаверса, чап чўнтагига тушиб турган тўрт-беш сўм чойчақанинг тафти туфайли одамларга «мурувват» кўрсатарди. Ҳатто «келишиш»нинг эвини қилганларнинг уйидаги «учётчик»нинг қулоғини ўзи бураб берарди. Шундай бурардики, ҳисоблагич зингилаб ортга чопқилларди...

Бугун бу томошалар йўқ. Янги чиққан рақамли ҳисоблагичларнинг қулоғини бураб бўлмайди. Аммо томошанинг иккинчи пардаси намойиш этилади ҳозир. У маҳалла идораларида қўйилади. Ҳар бир сеанс ойнанинг муайян кунига белгиланган бўлиб, унинг ижрочилари — болалар ва кам таъминланган оилаларнинг нафақа пулларини тарқатувчи шахслар, коммунал тўловларни ундирувчилар ва нафақани олишга келган кишилар бўлади.

— Фалончиева, тез пулингизни олинг-у, «свет»нинг пулини тўланг!

«Свет» пули қишлоқларда, негадир, стандарт қилиб белгиланган. Ҳамма — уч хонали уйи борлар ҳам, олти хонали уйи борлар ҳам бир хил, дейлик, ойига йигирма минг сўмдан тўлайди. Маҳалладаги томошага қайтамиз.

— Нима, тўлаб аҳмоғингиз борми, акаси? — дейди «Фалончиева». — Чирок ярим кун ўчиқ бўлади-ю, мен сизга пул тўларканманми?

— Кўп гапирманг, — дейди «мутасадди». — Эрингиз ишлайди, қайнотангиз ишлайди, тагин йил бўйи давлатдан нафақа оласизлар. Тўланг, бўлмаса, болаларингиз пулини ўчиртираман!..

Кун давомида, нафақа пуллари то охиригача тўлаб бўлингунга қадар у ердан «қий-чув», «сен-мен» тугамайди.

Бироррта инсофли оқсоқол



туриб айтмайдики, эй, биродарлар, давлат мулки, бу — халқ мулки! Ток бўладими, газ бўладими, сув бўладими, хонадонингизга ўзи кириб бораётган бўлса, ундан фойдаланаяпсиз, шу азиз неъматларнинг ҳурмати, ишлатганингиз ҳақини тўлаб қўйинг! Камбағал бўлиб қолмайсиз! Электр ҳам ернинг остидан булоқдек оқиб чиқмайди, уни пайдо қилиш учун миллиардлаб маблағ сарфланади. Минг-минглаб қоракўз инсонлар соғлиғидан кечиб, меҳнат қилади. Газ ҳам шундай. Сувни-ку, айтиб ўтирмайлик. Манамадан деган ривожланган мамлакатлар ҳам ичимлик сувини олтин нархида сотиб олади. Сиз уйингизда, қўпол бўлса ҳам айтаман, ётиб олиб, сув ичаяпсиз-ку. Барака топқурлар, шунинг шукрини қилмайсизларми?..

Йўқ, шукр қилиш тўғриси кўпчилигимиздан йироқлашиб кетган. Келинг, тан олайлик, бизда ёмон бир иллат бор. «Ҳа, бу давлатники-да», деймиз. «Давлат менинг бир сўмим билан бойиб ё камбағаллашиб қолармиди», деймиз.

Кўрган бўлсангиз, баъзи автобус ўриндиқларининг орқасига қараб бўлмайди. Улар номаълум «рассом»ларнинг «шедевр картина»ларидан «бижғиб» ётади. Бетайин «муаллиф»ларнинг «+», «-» «асар»лари билан тўлдириб ташланган ўриндиқлариниям кўп учратганмиз. Шу ишни қилаётган ўспирин яхши оилада тарбия топяпти, деб ўйлайсизми? Отанонаси унга «Болам, кўча-кўйдаги нарсалар давлатники, давлатникими, демак, шу халқники, уни эъозла, ундан тўғри фойдалан», дея насиҳат қилиб турадимиз? Бу гап-

лар улар учун кулгили-ку!

Этибор берганмисиз, бировнинг автомобилни ижарага олиб юрган кўп ҳайдовчилар машина жониворни эшакдек бошқаришади. Ариқлардан сакратиб ўтиб кетаётган, жойидан ерни кавлатиб қўзғатаётган, чийиллатиб торроз бераётган (катта шаҳарларимизда тунлари ана шундай «чийиллаш»лардан кулоқ битиб қолай дейди) ҳайдовчиларни кўрсангиз, билингки, ё машина уларники эмас, бировнинг мулки. Ёки бўлмасам, улар машинага меҳнат қилиб эришмаган.

Бу ҳолат нимадан? Давлат мулкига «ўзганинг мулки» сифатида қарашдан, бировнинг мулкига «ҳа, энди бировникида, ўзимники бўлса, шундай қилармидим?» деган инсофсизларча муносабатдан, умуман олганда, мулкдан фойдаланиш маданиятининг пастлигидан эмасми?

ТАКЛИФ

Шу пайтгача, эслаб кўрсам, на мактабда, на лицейда, на университетда ҳеч ким менга мулкдан фойдаланиш маданиятидан сабоқ бермаган. Мактабда синфдошлар ўйнаб-ўйнаб, неча марта дераза ойналарини чил-чил қилганмиз. Ўрнига олиб келганмиз-у, лекин олган сабоқларимиз, коридорларда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг койигани, ота-онамизнинг даққиларидан нарига ўтмаган.

Ўйнаб-ўйнаб, неча партининг устига ручка-қалам билан «безак» берганмиз. Ҳатто баъзи стол-стулларнинг «наққошлик» санъати намуналари билан тўла эканини кўрардик. Лекин ана шу қилғилиқни қилган бироррта ўқувчининг тузук-

роқ жазога тортилгани тўғрисида эшитмаганмиз. Демак, бу каби ҳолатларга, жуда ҳам жиддий қаралган, деб бўлмайди.

Эҳтимол, мактабгача таълим муассасасидан бошлаб, мулкдан фойдаланиш маданияти ҳақида сабоқ берилиши керакдир, деб ҳам ўйлаб қолсан, киши. Масалан, ўйнаб ўтириб, қаламини «чўрт» иккига бўлиб қўйган болакайга, қалам унинг мулки экани, уни эҳтиёт қилиб ишлатиши зарурлиги, бўлмаса ёмон бўлишини айтиш қандай яхши. Айрим ёш оналардек кулоқ-чаккасига «шарт» эттириб шапалоқ тортиб юбориш қаердаю, катталарга муомала қилгандек мулкдан фойдаланиш маданиятидан сабоқ бериш қаёқда? Ё бир қизиқчимиз айтгандек, машинасини симёғочга «қарс» этиб уриб олган ўғилларга: «Кўяверинг, ўғлим, худди шу рангидан бошқа машина олиб бераман», дейиш керакми?..

ХУЛОСА

Фикримизча, яхшиликлар бизга уни суиистеъмол қилишимиз учун ато этилмайди. Худди шунингдек, неъматлар ҳам уларни исроф этишимиз учун берилмаган. Улар бизга яхши фойдаланиш, ўрни келганда, ҳақини адо этиш, шукр қилиш учун берилади.

Фаровонлик, тўкин-сочинликнинг бориға шукр! Лекин уларнинг борлиги, неъматларнинг қўлимизга яқинлиги, нима истасак, унга етиша олишимиз ҳеч биримизга уларни топташ, хор қилиш, исроф этиш ҳуқуқини бермайди-ку.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

PS. Иссиқ сувдан келиб, бизни бир ҳафта сарсон қилган йигитдан хафа бўлганимиз йўқ. У ҳам нима қилсин, уйма-уй юради, баъзи хонадон эгалари билан «мушук-сичқон» ўйнайди. Кимнингдир коммунал тўлов учун келганини билиб қолса, уйга беркиниб, ўзини уйда йўқдек кўрсатадиган кимсалар ҳам бор. Тагин, ҳеч кимга сир эмас, ўша иссиқ сув, иссиқлик энергияси ҳақидан қарздор хонадонлар ҳам жуда кўп. Шулар ҳақида ўйлаганда, яна ва яна бир бор коммунал ҳақларни ундирувчи ташкилотлар ва фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларда муаммо борлигини пайқайсиз. Бу ҳам бўлса, айрим одамларнинг ўша эскидан қолган «давлат мулки — чексиз» қабилидаги хато фикр домидан қутула олмаганини кўрсатади.

Нима ҳам дердик. Бу муносабатлар вақти келиб, барқарор изига тушишига умид қиламиз. Ана шунда ҳалиги айтган «мушук-сичқон» ўйинлари ҳам барҳам топади.

Ахир, ҳар қандай ўйиннинг ҳам ўз якуни бўлади-ку!

Гўзаллик ошуфтаси

Кўз ҳаммада бир хил, нигоҳлар эса ҳар хил бўлади. Кимдир кўрмаган нарсани бошқа биров кўриши мумкин. Ҳаётнинг ўзи шундай мўъжиза-да!

Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга ҳайкалтарошликдан сабоқ бериб келаётган тенгдошимиз Лазизбек Турсунов атроф-оламга ўзгача нигоҳ билан қарайди. Унинг учун олам буткул мўъжизалардан иборат. Дейлик, тоғ этагидаги қир-адирлар, паст-баланд жойлар шунчаки Ер юзининг хилма-хил шакллари — рельеф эмас, табиатнинг бетимсол гўзалликларидир. Гул қанчалар чиройли, ифорли, нозли бўлмасин, у ҳам табиат мўъжизаси, ариқларда бир-бирига урилиб, устидан шарқираб сув оқиб турган оддий тошлар ҳам ана шу табиат фарзанди, бинобарин, мўъжизасидир.

Лазизбек болаларда гўзалликни ҳис эта олиш, уни тасвирлаш кўникмасини шакллантиришга ҳаракат қилади. Уларга бу санъатнинг назарий жиҳатларинигина эмас, амалий томонларини ҳам кўрсатиб беради.

Лазизбек Турсунов 2006 йилда Учкўприк туманидаги 17-мактабни битириб, Кўкон тасвирий ва амалий санъат коллежининг ҳайкалтарошлик йўналишига ўқишга киради. У ерда ёш ҳайкалтарош устози, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Эргашали Тожибоевдан санъат сирларини ўрганди. Унинг «Меҳр» номли битирув малакавий иши ҳайъат аъзоларининг юқори баҳосига лойиқ кўрилди. Кўкон тарафларга йўлингиз тушиб қолса, шаҳардаги истироҳат боғига бир ўтинг. Лазизбекнинг «Меҳр» асари шу ерда ўрнатилган.

Лазизбек Турсунов Учкўприк туманидаги 49-мактабга ўғрақ раҳбари этиб ишга қабул қилинди. Мактаб раҳбарияти, хусусан, тажрибали педагог Маликаҳон Сотволдиева ёш ҳайкалтарошни қўллаб-қувватлади. Унга шароит яратиб берди. Лазизбек бу ишончини оқлашга ҳаракат қилди. Ўттиз нафардан ортиқ ўқувчига ҳай-

калтарошлик ва рассомлик сирларини ўргатиб келди. Бугун эса у тумандаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга ҳайкалтарошликдан сабоқ бериб келмоқда.

Унинг ютуқлари кўп. «Ташаббус» кўрик-танловида 2010 ва 2011 йилларда қатнашиб, фахрли ўринлар, диплом ва сертификатлар олган. Туман ва вилоят босқичларида «Энг ёш ҳунарманд», «Энг яхши

San'at



ҳунарманд», «Энг ёш тадбиркор» номинациялари голиби бўлган. Асарлари турли кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Унинг «Буви ва набира», «Орол», «Кўза кўтарган қиз», «Ёғоч ушлаган айиқ», «Бургут», «Отлар», «Қалдиғочлар» каби асарлари томошабинларга эстетик завқ беради.

Устозлар ўғити, уларнинг са-

мимий маслаҳатлари асосида ўз ишига танқидий қараб, ижодий салоҳиятини намоён этиб бораётган Лазизбек олдига катта мақсадлар қўйган. У ўзбек ҳайкалтарошлик санъати ривожига катта ҳисса қўшсам, дейди.

Ботир ШОКИРОВ,
Учкўприк тумани «Камалак» болалар ташкилоти раиси

Bunyodkorlik

Дехқонobod туманида 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Икки қаватли мазкур мактаб Баҳодир Холиқов бошчилигидаги қурилиш-таъмирлаш корхонаси қурувчилари томонидан қисқа муддатда бунёд этилди.

Болажонларга янги туҳфа

Умумий қиймати икки миллиард тўрт юз миллион сўмлик ушбу кўркем ва замонавий маскан бир юз эллик ўқувчига мўлжалланган. Мактаб биносидан икки юз эллик ўринли концерт зали, хореография, рақс, ансамбль, тасвирий санъат, маънавият хоналари мавжуд.

Ҳозир бу ерда тасвирий санъат, эстрада ва анъанавий хонандалик, миллий чолғу асбоблари бўлимларида санъатга иштиёқи баланд бир юз йигирма нафар ўқувчи таълим олмақда. Уларга ўн тўққиз нафар тажрибали устоз-мураббий мусиқа ва санъат сирларини кунт билан ўргатмоқда. Ажабмаски, келгусида Дехқонobodдан ҳам кўнгила манзур бўладиган куй-қўшиқлари билан эл севган санъаткорлар етишиб чиқса. Бунда ушбу таълим маскани илк пойдевор вазифасини ўтайди.

Абдуқайом БЕККАМОВ,
Қашқадарё вилояти

Меҳнатдан қадр топаётганлар

Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги Чаманзор қишлоғига йўлингиз тушса, қаранг, у ерга кираверишда «Халқни ватан манфаати бирлаштиради» деган ёзув бор. Ўз ўрнида ишлатилган бу ҳикмат моҳиятини чаманзорликлар яхши билади.

Бир-бирига туташган экин далалари, қовун-тарвуз пайкаллари, тилларанг макказор, буғдойзор, полизлар...

Чаманзор қишлоғидаги 24-мактаб ўқувчилари билимда, спортда, ободончиликда тенгдошларига ўғрак. Ҳар йили вилоятда ўтказиладиган спорт мусобақалари, ҳар чорак якунида ўтказиладиган мактаблараро билимлар синовида фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Мактаб боғи ҳамда кўнхоналарда ўқувчиларнинг табиатга қўйган меҳрини ҳис эта-сиз. Боғ кўринишини олган мевали ҳамда манзарали дарахтлар, хонаки гуллар уларнинг меҳнати самараси.

Ўқувчиларни фақат таълим ва тарбия эмас, келажак тўғрисидаги тасаввурлари,

ўзига бўлган ишончини шакллантириш учун доимий суҳбатлар уюштириб, ободонлаштириш ишларига жалб қилиб, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириб бориш йўлга қўйилган. Хусусан, мактабнинг иқтидорли ўқувчилари — Муҳаммад Рашидов, Раъно Бурҳонова, Шаҳрибону Қаҳҳорова каби ўғил-қизларнинг ҳаракатлари ҳаммаша тенгдошларига ўғрак қилиб кўрсатилади. Ўқувчилар ўртасида соғлом, ижодий рақобат шакллантирилганки, улар ўз салоҳияти, иқтидорларини кўрсатиш учун доимо ҳаракатда бўладилар.

Қишлоқ тадбиркорлари ўзларининг истиқболли режалари асосида ёшлар учун доимий иш ўрни яратишмоқда. Қишлоқ марказидаги бўш бинонинг маҳалла гуза-

2013-yil — Obod turmush yili

ри ҳамда қишлоқ тўйларини ўтказишга мўлжалланиб қайта таъмирдан чиқарилиши етти нафар чаманзорлик кишини доимий иш ўрни билан таъминлашга хизмат қилди. Бу ишда бош-қош бўлган Саид Напасов бу қишлоқ обод бўлишида заҳмат чекканлардан. Айни пайтда у «Сўғдиёна» фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Қарийб 450 гектар ер майдонида пахта ва ғалла етиштираётган, ишининг кўзини биладиган Саид ака давлат шартномасини мунтазам ошиғи билан бажариб келмоқда. Қишлоқ ёшлари учун фермер хўжалигида мавсумий ва доимий ишчи ўринлари, улар учун шароитлар ҳам яратиб берган.

Қишлоқ ҳунармандларидан Ойдин Орзиқулова ва Рисхон Гулмуродова асрлар давомида шаклланиб келган амалий санъатни давом эттириб, ёшларга ҳам касб сирларини сидқидилдан ўргатмоқда. Аслида, бу икки аёл каштачи ва қуроқчилар сулоласидан. Улар момомерос ҳунарларнинг давомийлигини таъминлаш, қишлоқ қиз-келиндарининг уйларини бежирим ясатиш, ҳунарларини ёшларга ўргатиш учун уйларида сўзанадўзлик билан шугулланишади.

Нилуфар ҲАЙИТОВА

«Art week style.uz» санъат ҳафталигида

дунёга машҳур эстрада юлдузлари иштирок этади

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси расмий сайти тақдим этган маълумотларга кўра, «Art Week Style.uz» санъат ҳафталигида мусиқий тадбирларга алоҳида ўрин берилади. Жамғарма томонидан ўтказиладиган кенг қамровдаги йирик тадбирларда жаҳоннинг машҳур эстрада юлдузлари томонидан хайрия сифатида ўтказилган концертлардан тушган маблағлар кўкрак беши саратони билан хасталанган аёлларга дори воситалари сотиб олиш, жарроҳлик операцияларини ўтказиш учун сарфланади.

Ҳаммамизга маълумки, «Art Week Style.uz — 2012» санъат ҳафталиги афсонавий қўшиқчи Демис Руссос концерти билан якунланган эди, 2011 йилда эса таниқли итальян қўшиқчиси

Эрос Рамазотти меҳмонларга ижод намуналарини туҳфа этди. Шунингдек, ўтган йиллардаги тадбирларда британиялик машҳур рок ижрочиси Род Стюарт, дунё опера юлдузи, испан тенори Хосе Каррерас ва бошқа санъаткорларнинг концертлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Бу йил «Art Week Style.uz — 2013» санъат ҳафталиги доирасида 27 октябрь куни Тошкентда дунёга машҳур хонанда Лара Фабиан иштирокида концерт кечаси уюштирилади. Лара Фабиан — асосан француз тилида куйловчи машҳур хонандадир. У 1970 йил 9 январда Бельгиянинг Брюсселга яқин Эттербек ҳудудида туғилган. Лара болалигидан мусиқий иқтидорга эга бўлган. Ўн ёшида у ўзининг илк

қўшиғи ва мусиқасини ёзади. Ларанинг халқаро даражадаги карьераси 1988 йилда унинг «Евровидение — 88» танловидаги иштироки билан бошланади. Шу тариқа, 1995 йил ADISQ awards (Канада овоз ёзиш студиялари уюшмаси) тақдимида Лара Фабиан «Йилнинг энг яхши ижрочиси» ва «Энг яхши спектакль» йўналишлари бўйича голибликни қўлга киритади. 1998 йилда хонанда Victoires de la musique танловида «Йил кашфиёти» мукофотига лойиқ, деб топилди. 1999 йил Монакода ўтказилган World Music Awards тақдимида Лара Фабиан «Бенилюкс мамлакатларининг энг яхши ижрочиси» мукофоти билан тақдирланади.

Хонанда турли тиллардаги қўшиқлардан иборат қатор муси-

қий альбомлари орқали жаҳон санъат мухлислари эътиборини қозонган. Лара Фабиан француз, итальян, испан ва инглиз тилларида сўзлаша олади. Хонанданинг концертлари турли-туман либослар, декорациялар ва рақслардан холи эканлиги билан бошқалардан ажралиб туради. У кўпинча саҳнага оддий кийимда, макياج ва турли тақинчоқларсиз чиқади. Хонанданинг дискографиясидан бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетган унлаб миллион нусхадаги 12 та альбом ўрин олган.

«Art Week Style.uz — 2013» санъат ҳафталиги доирасида мухлислар Лара Фабиан каби машҳур эстрада юлдузининг хит қўшиқларини тинглаб, ундан дастхат олиш имкониятига эга бўлишади.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Hademay mutaxassis bo'lishadi

Корея гранти ўқувчилар ихтиёрида



Учкўприк саноат касб-хунар коллежи 2005 йилда фаолият бошлаган. 1050 ўринга мўлжалланган мазкур таълим масканида айни кунда 1 минг 900 нафардан ортиқ ёшлар етти йўналишда таълим олади. Уларга ўз касбининг моҳир устаси саналган 120 нафардан ортиқ устозлар мураббийлик қилади.

Коллеж ўтган йиллар давомида жиҳозлар билан тўла таъминланди. Ўқувчиларни касбга йўналтириш, ўзлари таълим олаётган йўналиш бўйича етук мутахассис бўлишларига эришиш йўлида катта ишлар қилинди. Корея Республикаси гранти асосида иккита компьютер синфи, ра-

дио ва телеаппаратураларни таъмирлаш, пайвандлаш йўналишлари бўйича келтирилган жиҳозлар ўқувчилар танлаган касбларининг моҳир устаси бўлишларига асос бўляпти.

Ўз ўрнида ҳар бир ўқитувчи илгор педагогик технологиялар асосида дарс ўтаетти. Бу борада она

тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Муҳаббат Тожиева, математика фанидан Мақсудали Тиллаев, биологиядан Зиоротхон Умарқулова, инглиз тили фанидан Даврон Аҳмедов ва махсус фан ўқитувчилари Чаманой Ҳотамова, Нориниса Маматқулова каби устозларнинг ишлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатса арзирли.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

СУРАТДА: Махсус фан ўқитувчиси Абдували Мўминов ўқувчиларга тизимли блок қисмларининг вазифаларини тушунтиряпти.

Meridian bo'ylab

Оворагарчилик

Германиянинг Дюссельдорф шаҳри аэропортида кун давомида деярли барча рейсларни тўхтаган сумка ичидан озиқ-овқат маҳсулотлари чиқди.

Аввалига полиция буни ошкор этишни хоҳламаган эди. Сабаби, қай йўсинда ва ким томонидан олиб келингани номаълум бўлган бу сумка туфайли 140 та рейс тўхтатилди. Натижада, ўн минг йўловчи ўз манзилига вақтида бора олмади.

Маълумотларга кўра, сумкадан сочиқ, телефон зарядлагич ҳамда ўн килограммга яқин жўхори ва буғдой уни чиққан. Полициячиларнинг сўзларига кўра, сумка эгаси ҳозир қидирилмоқда. У аэропортда озиқ-овқат олиб юриб, тартибни бузгани учун жаримага тортилиши мумкин. Ваҳоланки, унинг аэропортга етказган зарари жаримадан бир неча баробар кўп.

Эгасиз ҳамён

Испания пойтахти Мадрид шаҳри метросидан икки миллион долларли чек топилди.

Аниқроғи, вагонлардан бирининг эшиги яхши ёпилмаётгани сабабини текшираётган метрополитен ходими эшик орасидан ҳамён топиб олди. Унда Калифорния штати ҳайдовчилик гувоҳномаси ва иккита банк картаси бўлган. Бекат текширувчилари ҳамённи полицияга топширди. Полиция фикрича, ҳамён ўғирланган, бироқ ўғри шошиб қолганидан нақд пулни олиб, чекни кўрмай ҳамённи ташлаб юборган. Ҳужжатлардан аниқланган ҳамён эгаси ҳозирча полицияга муурожаат қилмади. Шу сабабли полиция «Bank of America»га ёзилган чек қонуний йўл билан олинганми-йўқлигини текширмоқда.

Эътиборсизлик оқибати

Канаданинг «Калгари» ҳайвонот боғидан қочган маймунлар боғ ошхонасида топилди.

Боғ маъмурияти тарқатган хабарга кўра, горилла турига мансуб маймунларга нонушта берилгандан сўнг кафас эшиги ёпилмаган. Натижада, озодликка чиққан олти маймун овқат исидан ошхонани топиб олган. Гориллалар қоринларини тўйғазиб олганидан сўнг барча мева-сабзавотларни деразадан кўчага улоқтирди. Ҳатто боғ ходимлари ошхона эшигини очганида жониворлар уларни ҳам «сийлашди». Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жароҳатланмади. Маймунларга беэътиборлиги сабабли икки киши жаримага тортилди.

Иродали марафончи

Буюк Британиянинг Ноттингем шаҳрида бўлган марафонда ўн тўрт ёшли Нида Аббаси 21 километру 97,5 метр масофани босиб ўтиб, ёш рекордчи сифатида медаль билан тақдирланди.

Маълумотларга қараганда, аввалига Нида болалар ўртасида бўлган икки ярим километрлик мусобақада иштирок этади. Бироқ йўлидан тўсатдан чиққан машина уни бир оз тўхташга мажбур қилди. Шунда шерикларини йўқотиб қўйган Нида катталар ўртасида бўлаётган марафонча югуриш мусобақасига қўшилиб қолди. Иродали ёш спортчи уч соатлик масофани босиб ўтгани учун ҳайъат аъзолари уни мукофотлашди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Гамзалари гўзал, эрка, оху кўз,
Парисиймо, тиниқ юзни севаман.
Нигоҳлари осмон, қароғи феруз,
Севсам, шундай қизни севаман.

Ўйласам, дилмдан таралгай ёғду,
Гул десам, юзида акс этар ёқут.
Аслида, гулдан ҳам сулув, нафис у,
Севсам, шундай қизни севаман.

Ёқар қарашлари — ўт-оташлари,
Ёқар сиймбари, соч тараашлари.
Кўнглини сел қилар эркалашлари,
Севсам, шундай қизни севаман.

Чехраси мунаввар, қарасам зимдан —
Ранго-ранг жилолар тажассумидан.
Тошлар эриб кетар табассумидан,
Севсам, шундай қизни севаман.

Бу ишқ азалийдир, энг яқин надим,
Бу севги бошқача, бу севги қадим.
Бармоғидан тутсам жоним чиқади,
Севсам, шундай қизни севаман.

Ким масрур ёлғони, эртаги билан,
Мен эса кимгадир керагим билан.
Ҳавога ёзаман юрагим билан:
«Севсам, шундай қизни севаман!»

Севгилим, нур сочилса тикилганим пайт,
Гул кўнглинга тегиб куртаклаб кетса.
Мен билан олисга кетармидинг, айт,
Кўлингдан тутганча етаклаб кетсам?

Лабингдан таралгай қирмизи ифор,
Кумуш тирноғингда ясмин иси бор.
Висол байтларини айтармидинг, айт,
Кўлингдан тутганча етаклаб кетсам?

Сенсиз кун ўтмади, тонглар отмади,
Лекин толеимга тошлар отмадим.
Биздан хато, гуноҳ ўтармиди, айт,
Кўлингдан тутганча етаклаб кетсам?

Юрак юракмасдир ёниб кетмаса,
Бир лаҳза ёдингдан ёдим кетмаса.
Кўксимда қуёшдай ботармидинг, айт,
Кўлингдан тутганча етаклаб кетсам?..

Баъзан гуркирайман
кўклам фаслидай,
Баъзан ташимдагин
ичим билмайди.

Бариси гўёки ошкор,
аслида,
Менинг кимлигимни
ҳеч ким билмайди.

Туннинг рафторини
кундуз билади,
Кўкнинг малолени
юлдуз билади.

Чинорнинг ҳолини илдиз билади,
Менинг кимлигимни ҳеч ким билмайди.

Тупроқ гуллагани арчадан аён,
Қуроқ гуллагани парчадан аён.
Кимнинг ким экани барчага аён,
Менинг кимлигимни ҳеч ким билмайди.

Айрилиқ ёмондир, оғир бўлади,
Кўнглимдан сув келса, чоғир бўлади.
Биламан, эртага ёмғир бўлади,
Менинг кимлигимни ҳеч ким билмайди.

Киприк силкинади, начора, бош ҳам,
Дард айтсам тинглайди девор ҳам, тош ҳам.
Сизга бир гапим бор, Худодан бошқа
Менинг кимлигимни ҳеч ким билмайди.

Табассум қилсайдинг, эрисам қанддай,
Жилмайса қароғинг оқу қораси.
Кўксингга ёш бўлиб томаман, қандай
Севганингни ўзинг сезмай қоласан.

Томиримда оққан асов қонимдай,
Бармоғингни ушлаб турсам жонимдай.
Ширин хаёлларга чўмаман, қандай
Севганингни ўзинг сезмай қоласан.

Тизангга бош қўйиб кўкка термилсам,
Дунёда армоним йўқ эди ўлсам.
Юзимни сочинга кўмаман, қандай
Севганингни ўзинг сезмай қоласан.

Ширин кулгиларинг қўйнимда бўлса,
Қошларинг қиличи бўйнимда бўлса.
Шунда кўзларимни юмаман, қандай
Севганингни ўзинг сезмай қоласан.

So'z sehri



Илҳом КАРОМ

«ОБУНА — 2014»

Азиз тенгдошлар! Севинми «Turkiston» газетангиз сиз билан 2014 йилда ҳам ҳамсухбат, ҳамроҳ бўлишни мақсад қилган.

«TURKISTON» САҲИФАЛАРИДА:

«Камолот» худудида, мамлакатимизда, ёшлар ҳаётида, бутун оламда рўй бераётган қизиқарли воқеалар тафсилоти, долзарб мавзудаги мақола-лар, теша тегмаган гаплар, оригинал лавҳалар, ажабтовур фотолавҳалар, «Шакарханда», «Бешинчи пара», «Амалиётчи», «Талаба», «Табиатнома» сингари саҳифалар, «Ёш ихтирочи», «Сенинг тенгдошинг», «Санъат», «Спорт», «Меридиан бўйлаб», «Калейдоскоп» каби рукнлар.

ЙИЛ ДАВОМИДА БИЗГА ЙЎЛДОШ БЎЛИНГ!

ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

ИМТИЁЗЛИ ОБУНА УЧУН — 3203

(Изоҳ: камида 9 ойга обуна бўлганлар учун 25 фоиз чегирма мавжуд)



Эрматовга ишонч

Ўзбекистонлик FIFA ҳаками Равшан Эрматов Осиё чемпионлар лигасининг дастлабки финал учрашувини бошқаради.

Корея Республикасининг «Сеул» ҳамда Хитойнинг «Гунчжоу Эвергранд» клублари ўртасидаги ўйин 26 октябрь куни Сеул шаҳрида бўлиб ўтади. Равшан Эрматовга қанотларда Абдулхамидилло Расулов (Ўзбекистон), Баходир Қўчқоров (Қирғизистон) ёрдам беради. Учрашувда яна бир ўзбекистонлик FIFA ҳаками Валентин Коваленко захира ҳаками вазифасини бажаради.

Мард майдонда синалади

Ҳамюртимиз Алишер Акбаров АҚШда ўтказилган «Арнольд классик» халқаро фестивалида армрестлинг бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

Бу ҳуқуқ унга сентябрь ойида Польшада ўтказилган армрестлинг бўйича жаҳон чемпионатида 21 ёшгача бўлган, ўртача вазни 65 килограммдан ошмаган спортчилар орасида ҳамюртимиз кучли саккизликдан ўрин эгаллагани учун берилган эди. Алишер Акбаров шу йилнинг баҳорида Осиё кубоги баҳсларида кумуш медалга сазовор бўлганди.

Колумбус шаҳрида ўтказилган фестивалда эса армрестлинг, бокс, дзюдо, гимнастика, каратэ ва стол тенниси бўйича турли мамлакат вакиллари баҳс олиб бордилар.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

Гапирадиган қарға

Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида яшовчи Бўри Раҳимовнинг гаройиб қарғаси бор. Жониворнинг номи — Гоша. Қарғанинг антиқалиги шундаки, у узук-юлуқ бўлса-да, гапиради.



— Адашмасам, 1997 йили эди: бир куни қўшнимизнинг ўғли оёқлари синган, ночор аҳволдаги қарға полапонини кўтариб юрганини кўриб қолдим. Жониворга раҳим келиб, боладан олдим. Вақт ўтиб, полапонинг оёғи тузалди. Унга Гоша деб ном қўйдик. Оила аъзоларимизга анча ўрганди. 2001 йилдан Гоша гапиришга урина бошлади. Йиллар давомида ўғлим Шодибек билан бирга қарғага сўз ўргатиб бордик, — дейди Бўри ака.

Гапирувчи қарға — Гошанинг ёши 17 да; 34 та сўзни билади.

Айни пайтда Гошанинг тарбияси билан Бўри аканинг ўғли Шодибек машғул. Гаройиб қарғани кўргани чет элликлар ҳам келишмоқда. Ҳатто хорижий телеканаллар ходимлари Гоша ҳақида лавҳа тайёрлаб кетишди. Яқин кунларда Шодибек Гоша билан чет эл телевидениеси телешоуларидан бирида иштирок этишга ҳозирлик кўряпти.

Яшавор, қарға!

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» муҳбири

↓	Ўзбекистон пойтахти	↓	Олифта	↓	... Турдиев (шаҳловчи)	↔	Ачигилган пичан	↔		↔		↔	«Мантиқ ... тайр», «Лисонг... тайр»
↔				↓	Бизники (русча)		Бахт...	УЭД... (Дарё, Африка)		Уйқудаги "кино"	↔		
	Кекса чол, нуруний		Баракалла, офарин	→			Шарҳ		↔			Туман, Наманган вилояти	
↔					Кам, жичча	→	Баҳорнинг сўнгги оёи	Пойтахти Вашингтон		Хизматкор	↓		
	Пянинно тугмачаси		Мусаввир, ранг тасвир устаси	→		↔		"Эм-тиг..." (канал)	↔				
↔			↓	Она (шевада)	Сан (шевада)		Тоза ... танга даво	→				... Жонс (боксчи)	
	Нима учун?	Яккаю ... ёғиз	→				Отлар уюри	→					

TABASSUM

ҲАЗИЛКАШ АЁЛЛАР

Футболчи билан боксчининг хотини суҳбатлашиб қолди.

— Эгачи, — деди боксчининг аёли. — Сиз эрингизни эрталаб қандай уйғотасиз?

— Бу жуда осон, — деди футболчининг аёли.

— Кичкина ўғлимизнинг хуштаги бор. Дадаси уйғонавермас, ўғлимга, бир чал, дейман, уям шўх: «чурр» эттириб бир чалади, дадаси ирғиб ўрнидан туриб кетади. Ҳакам хуштаги, деб ўйлайди-да! Сиз эрингизни қандай уйғотасиз?

— Мен ҳам бунинг йўлини биламан, — деди боксчининг хотини. — Олдига бораман-у, санай бошламан. Тўққизга етганимда, эрим сакраб жойдан туради.

ҚУРУМСОҚЛИК ЭВИ БИЛАН-ДА

— Салом, ошпа, эсингдами, ўтган йили мендан соябон олгандинг? Ўшани олиб кетай, деб келувдим.

— Узр, ошнажон, бир дўстим сўраб келувди, уни бериб юбордим. Жуда зарурими, а?

— Э, нимасини айтасан, мен ҳам уни бировдан олувдим-да! Ҳозир мени кутиб, дарвозамнинг олдида ўтирибди!..

2-Тошкент юридик коллежи томонидан Ўктамова Моҳина Нарзулла қизи номига 2011 йилда берилган 01-88 рақамли ўқувчилик гувоҳномаси йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Ёғмас булут элни алдар,
Ёмон хотин — эрни.

Ўзбек халқ мақоли

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда
№ 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

Бош муҳаррир:

Ашуруров Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баходир Фаниев, Мехриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Кароматов

Жавоҳир

Зариф ўғли

Саҳифаловчи:

Рўзиев

Зафар

Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203

Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-1043.
Адади — 8113

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40
ЎЗА якуни — 20.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6